

**Б.Т. Салимов.,  
М.С. Юсупов.,  
А. Бахронов**

## **МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ВА ЭКСПОРТ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ**

*В статье рассматриваются вопросы модернизации и повышения конкурентоспособности сельскохозяйственного сектора национальной экономики. Особое внимание уделено на проблемы укрепления экспортного потенциала и усиления интеграции аграрной сферы в мировые продовольственные и сельскохозяйственные рынки.*

*In this article the special emphasis is given on the ways of strengthening export potentials and integration of agriculture into world food markets based on modernization and increasing competition capability of the agricultural sector of national economy.*

**Калит сўзлар:** модернизация, рақобатбардошлик, интеграция, экспорт салоҳияти, интенсификация, томчилатиб суғориш, уруғчилик-селекция.

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу соҳа республикамизнинг истеъмол бозорига озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш саноатига хомашё етказиб бериш билан бирга, бир қатор тармоқлар учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади. 2012 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 17,5 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди.

Мустақиллик йилларида мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари ва бевосита раҳномолигида қишлоқ хўжалиги тармоғида улкан натижалар қўлга киритилди. Йилдан-йилга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошиб, экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлиги юксалиб бормоқда. Жумладан, “2012 йилда Ўзбекистонда деярли барча қишлоқ хўжалиги экинлари – ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. Мамлакатимиз деҳқонлари мўл ҳосил етиштиришди – 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди” [1].

Аграр тармоқда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш жараёнларини техник-технологик янгилаш ва модернизациялаш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялаш билан бирга агросаноат мажмуасининг бу тармоқларини жаҳон хўжалиги ва халқаро савдо тизимларига интеграциялашув масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мухтарам Президентимиз И.А. Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида таъкидлаганларидек, “Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро

ҳамжамиятининг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин”[2].

Халқаро иқтисодий интеграциялашув муаммоларининг назарий-услубий асослари хорижлик иқтисодчи олимлардан Т.Н. Онгоро [3], В.Е. Рыбалкин, Ю.А. Щербанин, Л.В. Балдин [4], мамлакатимиз олимларидан Н.А. Галаева, Б.М. Махмудов [5], Р.Т. Далимов, З. Махамбетова, Н.К. Худякова [6] ва Г. Назарова ва М.С. Юсуповлар [7] томонидан ўрганилган. Аммо, ҳозирги шароитда республикамиз агросаноат мажмуасининг жаҳон озиқ-овқат ва аграр бозорларига интеграциялашувининг бозор тамойилларига мос келувчи самарали тизимини шакллантириш юзасидан назарий-услубий асослар тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг жаҳон савдо тизимида интеграциялашуви ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилувчи меъёрий-ҳуқуқий базани шакллантириш, молия-кредит, бюджет-солиқ, нарх ва божхона механизмларини такомиллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчи товар ишлаб чиқарувчиларини молиявий кўллаб-қувватлаш масалалари етарлича ўз ечимини топмаган. Бу борада ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни мамлакатимиз шароитларига мослаштириб жорий этиш ишлари талаб даражасида эмас.

Шу муносабат билан турли шакллар, усуллар, механизмлар ва дастакларни қамраб олган, агросаноат мажмуасининг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш ҳолатига мос келувчи, тармоқнинг рақобатбардошлиги ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашга имкон берувчи жаҳон озиқ-овқат ва аграр бозорларига интеграциялашув тизимини такомиллаштириш масалалари алоҳида долзарблик касб этиб бормоқда ва бу тизимни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Республикамиз қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини ошириш ва барқарор ривожланишини таъминловчи омиллардан бири сифатида тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришни келтириш мумкин.

Ўзбекистон агросаноат мажмуаси улкан экспорт салоҳиятига эга бўлиб, бу серқуёш заминда ажойиб таъм ва юқори сифатга эга бўлган мева ва узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг етиштирилиши, пахта толаси, пилла ва қоракўл тери экспорт қилиш имкониятларининг мавжудлиги истиқболда экспортга йўналтирилган аграр ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятини беради. Юқори сифатли ва аъло таъм хусусиятларига эга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорларда харидоргир бўлиши билан бирга қайта ишлаш саноати учун ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати, таркибида фойдали витаминлар ва

микроэлементларнинг мавжудлиги, уларни узоқ масофаларга ташиш ва сақлаш имкониятлари қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг рақобатбардошлик кўрсаткичларига кучли таъсир кўрсатади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизациялаш борасида интенсив боғлар барпо этишга эътибор қаратилмоқда. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган пакана ҳамда яримпакана мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади.

Мевали дарахтларни парваришлашда боғни шакллантириш жараёни муҳим аҳамиятга эга бўлади. Илгари дарахтлар катта бўлиши, қуёш нурлари дарахтга бир текис тушиши учун шохларга тўғри шакл берилиши зарур, деб ҳисобланар эди. Лекин катта дарахтлардан ҳосилни териб олиш қийин, бу жараёни механизациялаш эса ундан ҳам қийин. Баланд шохлардаги ҳосил ёки қўлда териб олинади, ёки турли мосламалар ёрдамида қоқиб туширилади. Ерга тушган мевалар албатта зарарланади ва уларнинг сифати пасайиб кетади. Селекционерлар бу муаммони дарахтларнинг карлик навларини яратиш йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ҳосил йиғиб олишни механизациялашни яхшилаш ва йўқотишларни камайтириш имконини беради. Дарахтларнинг бундай тури ўзида юқори ҳосилдорлик ва ҳосилни теришнинг қулайлигини мужассамлаштиради.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, биргина 2011 йилнинг кузи ва 2012 йилнинг баҳорида жами 7661 гектар майдонга янги мевали боғлар, шундан 2110 гектар ерга майдонга пакана ва ярим пакана (интенсив боғлар) боғлар барпо этилиб, 8518,8 гектар майдондаги боғларни қайта экилган.

Республикамизда узум етиштириш ва уни экспортга чиқариш имкониятлари юқори. Ўзбекистон узумлари ширинлиги ва тўйимлилиги билан устунликка эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли қарори билан узумчилик соҳасида “Ўзвинсаноат-холдинг” холдинг компания ташкил этилган. Ўзбекистанда узумнинг 37 дан ортиқ нави районлаштирилган бўлиб, 88,6 минг гектар ерга экилган.

“Ўзвинсаноат-холдинг” холдинг компанияси маълумотларига қараганда, 2013 йилда республикамизда янгидан 6 542,2 гектар токзорлар барпо қилинади. Шундан 2292,2 гектари хўраки, 1009,1 гектари кишмишбоп ва 3240,1 гектари саноатбоп узум навларидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорига мувофиқ аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам мева-сабзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011-2015 йилларда 120,8 минг тонна сифимга эга янги совутиш камераларини қуриш ва 49,1 минг тонна сифимга эга мавжуд совутиш камераларини модернизация қилиш белгиланган. Бу ишларга 187 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлиб, унинг 71,3 млрд. сўми компанияларнинг ўз маблағлари, 115,7 млрд. сўми банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорига мувофиқ, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан 2011-2015 йилларда жами 45 минг тонна сиғимга эга совутиш камераларини барпо этиш белгилаб берилган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тизимида мева-сабзавотларни сақловчи музлаткич камераларни ўрнатишнинг прогноз кўрсаткичлари**

№	Худудлар номи	2011-2015 йилларда яратиладиган сиғим, минг тонна	Шу жумладан йиллар кесимида, минг тонна				
			2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2015 йил
1.	Андижон вилояти	5,0			3,0		2,0
2.	Бухоро вилояти	2,0					2,0
3.	Жиззах вилояти	3,0			3,0		
4.	Қашқадарё вилояти	6,0	1,0			5,0	
5.	Навоий вилояти	3,0	3,0				
6.	Наманган вилояти	3,0				3,0	
7.	Самарқанд вилояти	5,0		3,0			2,0
8.	Сурхондарё вилояти	2,0			2,0		
9.	Тошкент вилояти	6,0	0,5	2,0		3,5	
10.	Фарғона вилояти	8,0	0,5	2,5			5,0
11.	Тошкент шаҳри	2,0	2,0				
Жами		45,0	7,0	7,5	8,0	11,5	11,0

**Манба:** Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Мева-сабзавотларни сақлашга ихтисослашган корхоналар 2016 йилнинг 1 январигача республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва мазкур дастурни амалга ошириш доирасида мамлакатимизга олиб кириладиган совутиш ва омборхона ускуналари, бутловчи қисмлар ва материаллар, ортиб-туширувчи техникалар учун божхона тўловларини тўлашдан озод қилинган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йил давомида сақлаш имкониятларининг ортиши бир томондан аҳолини кеч куз, қиш ва эрта баҳор ойларида ҳам узлуксиз мева-сабзавотлар билан таъминлашга шароит яратса, иккинчи томондан уларни экспортга чиқариш шарт-шароитларини ҳам мустаҳкамлашга олиб келади.

Мева-сабзавотчиликни ривожлантиришда нав танлашнинг аҳамияти катта. Агар бизнинг бозорларда сотилаётган хорижий қишлоқ хўжалиги

махсулотларига, масалан, олмаларга эътибор берилса, барча мевалар бир хил ёрқин рангли, катталиги жиҳатдан бир хил, доғсиз ва бир хил даражада пишган, ҳашоратлар билан зарарланмаган эканлигини кўриш мумкин. Бу олмалар «кимёвий усулда» етиштирилганлиги, бизда етиштирилган олмалар каби мазаси йўқлиги ва бошқа масалалар тўғрисида узоқ муҳокама қилиш мумкин.

Ишлаб чиқарувчилар учун бозор ва ҳамкорлик қилишни хоҳлаган миқозлар тўғрисида маълумотга эга бўлиш жуда муҳим. Миқозлар талаблари ва улар хоҳлаган маҳсулот турлари ўзгариб бормоқда. Бундай ўзгаришларга янги саноат технологияларининг ривожланиши, харидорларнинг хоҳиш-истаклари, айниқса, стандартлар соҳасидаги давлатларнинг сиёсати таъсир кўрсатмоқда. Агар Европа Иттифоқига (ЕИ) кирмаган мамлакатлардаги ишлаб чиқарувчилар ЕИнинг бозорлари учун ишлашни хоҳласалар, уларга ЕИда қабул қилинган сифат, фитосанитар стандартларни ҳисобга олишларига тўғри келади.

Ўзбекистонда мева ва сабзавотлар навларининг 709 тури Ўзбекистон Республикасининг Давлат реестрига киритилган бўлиб, уларнинг 189 тасини маҳаллий навлар ва 520 тасини чет эл навлари ташкил этади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган сабзавот, полиз ва картошка навлари, (2012 йил)

	Жами	Шу жумладан:	
		маҳаллий навлар	чет эл навлари
Яратилган навлар	709	189	520

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.


Республикадан 2012 йилда умумий қиймати 0,8 млрд. долларга тенг ҳўл мева-сабзавотлар экспортга чиқарилган. Жами мева-сабзавот маҳсулотлари экспортида ҳўл мева-сабзавотларнинг улуши 2012 йилда 65 %ни, қайта ишланган ва қуритилган мева-сабзавотлар 23 %ни ва дуккаклилар улуши 12 %ни ташкил этган. Маълумотларга қараганда, 2012 йилда 185 турдан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга чиқарилган (1-расм).

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича улкан салоҳиятга эга бўлишига қарамай, республикада мева-узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда экспортга чиқариш ишлари йилдан-йилга ривожланаётган бўлса-да, ҳали бу ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаган. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг маълумотларга қараганда, 2012 йилда республикада ишлаб чиқарилаётган узумнинг 22,4 %и экспортга чиқарилган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда экспорт фаолиятини янада ривожлантириш янги бозорларни эгаллаш учун катта салоҳият мавжуд. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг маълумотларига қараганда, Ўзбекистон Республикасида



истикболда бир йилда 15 млн. тоннадан ортиқ мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.



**1-расм. Ўзбекистон Республикасидан 2012 йилда экспортга чиқарилган мева-сабзавот маҳсулотлари таркиби**

Ўзбекистон мева-сабзавотчилик мажмуаси ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан бири иқлим шароитининг қулайлигидир. Республиканинг асосий ҳудудларида ўсимликларнинг вегетация давридаги умумий ҳарорат 40-45 С<sup>0</sup>ни ташкил қилади. Мазкур иқлим шароити мева ва узумнинг хилма-хил навларини турли муддатларда етиштириш ҳамда улардан ширага бой қурук мевалар, майиз ишлаб чиқариш имконини беради. Жумладан, кечпишар, баҳоргача сақланадиган олма, хўраки (ошхонабоб) узум навлари, шунингдек, вино ишлаб чиқариш учун барча винобоп узумлар етиштириш имкони бор.

Шунингдек, Ўзбекистон иқлимининг яна бир ўзига хослиги – вегетация даврининг узок муддатлилиги, яъни 180-250 кун давом этиши ва унинг эрта бошланишидир (февраль-март). Бу нафақат мева, узум ва сабзавотларнинг турли навларини етиштириш, балки кўшни мамлакатлар орсида мазкур маҳсулотлар ҳосилини анча эртароқ йиғиб-териб олиш имконини беради.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқариш борасида қулай имкониятлар яратилганига қарамай, қуйидаги муаммолар тармоқнинг ташқи бозорларга интеграциясини чегаралаб келмоқда:

- республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспортга чиқаришга кўмаклашувчи консалтинг ва сервис хизматлари, инфратузилмалар етарли ривожланмаган;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чиройли қадоқлаш, махсус совуткичларда сақлаб туриш ва рефрижераторлар ёрдамида узок масофаларга ташиш тизими яхши йўлга қўйилмаган;

- кўпчилик фермерлар ва деҳқонлар жаҳон бозорларидаги нарх-наволар, конъюнктура ва рақобат муҳити, экспорт операцияларини амалга ошириш

тартиблари, жаҳон бозорларида амал қилувчи меъёрий-ҳуқуқий қонунлар ва қоидалар тўғрисида керакли билим ва кўникмаларга ҳамда ишончли ахборотлар каналларига эга эмас;

- жаҳон бозорларида мавжуд кучли рақобат муҳити ҳамда маҳсулотлар мўл-кўллиги шароитида ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаш тадбирларисиз, миллий экспортчиларимиз халқаро бозорлардаги рақобатга бардош беролмаслиги мумкин.

Ўзбекистонда тайёрлаш, логистика ва маркетинг тизимлари тубдан такомиллаштиришга муҳтож. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Улардан бири – гилос. Дунёда сифатли гилос етиштириш мумкин бўлган мамлакатлар сони унчалик кўп эмас ва Ўзбекистон улар қаторига киради. Гилоснинг энг яхши навлари Наманган ва Андижон вилоятларида етиштирилади. Лекин гилос ишлаб чиқаришда ягона бизнес тизими мавжуд эмас, етиштиришдан бошлаб экспорт бозорларида сотишгача бўлган жараёнда ягона занжир ташкил қилинганлигига деярли мисол келтириб бўлмайди. Бу, энг аввало, мақсадли бозорлар билан барқарор алоқалар ва улар ҳақида маълумотлар мавжуд эмаслигида намоён бўлади. Москвада гилоснинг ҳар бир килограммини 7-8 доллардан сотиш мумкин, деган ўзгармас фикр бор. Лекин ҳеч ким ўзига бу гилос қандай кўринишга эга бўлиши керак, уни қандай қилиб қадоқлаш лозим деган саволни бермайди. Бунинг натижасида, одатда, жараён тахминан қуйидагича кечади: гилос дехқон ва фермерлардан қандай узилган бўлса, шундай ҳолича улгуржи сотиб олинади, яшикларга солиниб, автомобилга юкланади ва шундай ҳолатда Москва бозорларига етказиб борилади.

Агар кўпинча автомашина маҳсулотни сақлаш учун зарурий ҳарорат ушлаб туриладиган махсус рефрижератор эмас, балки оддий КамАЗ бўлиши, чегараларда туриб қолишлар билан бирга Москвагача бир ҳафтада етиб борилиши ҳисобга олинса, гилоснинг сифати Москвада сотилгунга қадар анча пасайиб бўлади, маҳсулотнинг бузилиш натижасидаги тўғридан-тўғри йўқотишлар 15-20 %ни ташкил этади. Бунинг устига Москва бозорларида бошқа мамлакатлар, масалан, Исроилдан олиб келинган ювилган, бандлари тозаланган ва целлофан пакетларга чиройли қадоқланган гилос сотилади. Ўзбекистоннинг гилоси яхшироқ, йирикроқ ва мазали эканлиги ҳақида хоҳлаганча гапириш мумкин. Лекин гилос сотиш билан шуғулланувчи тадбиркорлар ҳар йили катта зарар кўриб турган шароитда ҳамма тадбиркорлар ҳам харидорларни бунга ишонттира олмайдилар. Умуман, бу нафақат гилосга, балки узум ва бошқа меваларга ҳам тегишли. Шунинг учун ҳам мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга тайёрлаш учун саралаш-қадоқлаш цехларини ташкил қилиш яхши натижа бериши мумкин.

Андижон вилоятида яхши тажриба тўпланган. Бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар иссиқхоналарда етиштириш учун уруғ етказиб бериш билан шуғулланувчи селекционерлар билан мустаҳкам алоқа боғлашган. Бу уруғлар кўчат етказиб бериш имконияти бўлган дехқон хўжаликларида берилади. Кейин бу кўчатлар ўзларининг иссиқхоналарида эртаки помидор етиштириш билан шуғулланувчи оилаларга тарқатилади. Барча уруғлар юқори

сифатли ва аниқ навга мансуб, кооператив аъзоларининг сони бир неча дехқон ва фермер хўжаликлари бўлганлиги сабабли апрель ойининг охири ва май ойининг бошларида бир хил навдаги ва бир хил даражада пишган катта миқдордаги помидор ҳосили олинади. Бу пайтда Россия бозорларида помидор энг юқори мавсумий нархларга эга бўлади. Шундай бўлса-да, кооператив аъзолари маҳсулотнинг бир қисмини Ўзбекистон бозорларида сотишга ҳам қарор қилишлари мумкин. Улар ҳам Россия шаҳарларидаги нархлар тўғрисида, ҳам Тошкент шаҳридаги нарх тўғрисида маълумот оладилар.

Экспортга юборилаётган маҳсулот сараланади, қадоқланади +8 даражагача совутилган рефрижераторларга юклаб жўнатилади. Бу маҳсулотнинг яхши сақланишига имкон беради ва шу кўринишда узок муддатли муносабатлар ўрнатилган ҳамкорларга жўнатилади.

Бугунги кундаги соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган истеъмолчилар хоҳиш-истаклари витамин ва микроэлементларга бой, таркибида зарарли моддалар (нитратлар, пестицидлар ва ҳ.к.) бўлмаган янги узилган сабзавот ва меваларни истеъмол қилишни кўзда тутаяди. Ўзбекистондаги мавжуд иқлим шароитлари ташқи бозорга шундай мева ва сабзавотларни етказиб беришга тўла имкон беради. Лекин бунинг учун урта таркибий қисм рақобатбардош бўлиши лозим: нарх, сифат ва хизмат.

Нарх бўйича ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулот тўла рақобатбардош ҳисобланади. Сифати бўйича юқорида айтиб ўтилганидек, бизда ишлаб чиқарилган куруқ мевалар ва тоmat консервалар таркибида бир қатор кимёвий моддалар, жумладан, олтингугурт, нитрат бирикмалари Европа Иттифоқи стандартлари бўйича йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрларда мавжуд бўлади ва бу ҳам ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш (хусусий бизнеснинг вазифаси ва манфаатлар доирасига киради), ҳам давлатнинг вазифаларидан бири бўлган миллий стандартларни такомиллаштириш учун асос бўлади.

Жаҳон бозорида савдо ўрни учун қаттиқ рақобат кураши олиб борилади. Хорижда исталган маҳсулотни сотиш маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, маҳсулотга бўлган талабни ўрганиш, ўз маҳсулотини реклама қилиш, ташишнинг муносиб қимматбаҳо воситаларидан фойдаланиш, етказиб бериш учун шартномалар тузиш ва агар лозим бўлса, ўз манфаатларини судда ҳимоя қилишни талаб этади.

Республикада мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш тизимини модернизациялаш ва рақобатбардошлигини ошириш борасида эришилган натижалар ҳамда мавжуд муаммоларни таҳлил этиш асосида бу соҳани ривожлантиришга оид қуйидаги хулоса ва тавсияларни илгари сурамиз:

- сувсиз, адирлик, тоғли ва тоғолди ҳудудларда томчилаб суғориладиган янги интенсив боғлар ташкил этиш;

- боғ ва токзорларда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш чора-тадбирларини ўз вақтида олиб бориш;

- суғоришнинг илғор технологиялари, жумладан томчилатиб суғоришни ривожлантириш;



- худуд тупроқ-иқлим шароитига мос, касаллик ва зараркунандаларга чидамли мева-сабзавотлар навларини яратишни жадаллаштириш;
- мевачилик, узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари мутахассисларининг билими, савияси ва малакасини ошириш;
- мева-сабзавотларни сақлашга ихтисослашган совутиш камералари ва махсус омборхоналар тармоғини ҳамда сиғимини кенгайтириш;
- жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий технологияларга асосланган янги қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш, мавжудларини техник янгилаш ва модернизациялаш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ассортименти ва сифатини жаҳон андозалари даражасига етказиш ва рақобатбардошлигини ошириш, биринчи навбатда, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларга устуворлик бериш;
- мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва бир вақтнинг ўзида қайта ишлаш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш мажмуалари, холдинглар ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятини кенгайтириш;
- хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш;
- экспорт қилишнинг божхона постларида “хабардор қилиш” тартибини жорий этиш;
- ички ва ташқи бозорларни ўрганувчи маркетинг хизматларини ривожлантириш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, республикаимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлган қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ҳамда тармоқнинг жаҳон озиқ-овқат бозорларига интеграциялашуви борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тармоқни барқарор суръатлар билан ривожлантиришга, унинг рақобатбардошлигини таъминлашга ҳамда аграр ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2013. 6 б.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 14 б.
3. Онгоро Т.Н. Экономическая глобализация. <http://www.m-economy.ru/art.php?nArtId=2162>.
4. Рыбалкин В.Е., Щербанин Ю.А., Балдин Л.В. и др. Международные экономические отношения: Учебник для вузов 4-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.

5. Галаева Н.А., Махмудов Б.М. Международные экономические отношения: Учебное пособие. – Т.: ТФИ, 2003. -203с.

6. Далимов Р.Т., Махамбетова З., Худякова Н.К. Международная экономическая интеграция: Учебное пособие. –Т.: Университет, 2004.

7. Назарова Г.Г., Назарова Р.Р., Юсупов А.С. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. Монография. –Т.: ТДИУ, 2005. -3 б